

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЫМОВ АТАБЕК КЕРИМБЕРГЕНОВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд– 2018 йил

УДК: 332.338.46.48 (575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Алымов Атабек Керимбергенович

Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни
ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари3

Алымов Атабек Керимбергенович

Основные направления и перспективы развития
экологического туризма в Республике Каракалпакстан25

Alimov Atabek Kerimbergenovich

Main directions and prospects of development of ecological
tourism in the Republic of Karakalpakstan47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works51

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЫМОВ АТАБЕК КЕРИМБЕРГЕНОВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018 йил

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt204 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб – саҳифасида (www.sies.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салаев Санъатбек Камилович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турсунхаджаев Марат Лутфуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Сафаров Баҳодирхон Шаҳриёрович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел./факс: (998 66) 231-07-45, (998 66) 233-12-53, e-mail: ilm@sies.uz

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Шохруҳ кўчаси, 60-уй. Тел.: (99866) 233-34-76, Факс: (998 66) 231-12-53, e-mail: ilm@sies.uz

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

И.С. Тухлиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, и.ф.д.,
профессор

М.М. Мухаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳондаги ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳаси таркибида туристик хизматларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ)нинг маълумотларига кўра, 2020 йилга бориб халқаро туристларнинг сони 1,6 млрд. кишига, туризмдан олинадиган даромад 2 трлн. АҚШ долларига етиши, туристик оқимнинг барқарор равишда ҳар йили 3-5%га ошиши кутилмоқда¹. Бугунги кунда экотуризм энг жадал ривожланаётган туризм тармоқларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. «БТТнинг маълумотларига кўра, экотуризмнинг йиллик ўсиш даражаси 30%ни, жаҳон туризми даромадларидаги улуши 10-15 %ни ташкил қилади»². Экотуризмнинг жадал ривожланиши саноат тараққиётининг атроф-муҳитга салбий таъсири туфайли аҳолининг табиатда дам олишга бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан изоҳланади.

Жаҳонда олимлар томонидан экологик туризмни ривожлантиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик туризмнинг меъёрий-ҳукукий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда туризмнинг атроф-муҳитга таъсирини аниқлаш, табиат ва туризм ўртасидаги мувозанатни сақлаш, экотуризмни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда миллий иқтисодиётдаги экологик туризмнинг улуши ва экотуризмнинг иқтисодиётдаги самарасини аниқлаш муҳим масалалар қаторига киритилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, инновацион ривожлантиришга қаратилган ислохотлар натижасида туризм соҳаси ҳам янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида туризм фаолиятини раванқ топтириш масаласи ўз аксини топгани бежиз эмас. Шу туфайли Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантириш йўналишларини аниқлаш ва истиқболлини белгилашнинг назарий-услубий ва амалий жиҳатлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4861-сон, 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сон Фармонлари, 2017 йил

¹ Boltabayev M.R., Tuxliyev I.S., Safarov B.Sh., Abduxamidov S.A. Turizm: nazariya va amaliyot. –Т.: «Fan va texnologiya», 2018. – Б.6.

² Travel & tourism global economic impact & issues 2017 // World travel & tourism council, -UK:, 2017.

18 январдаги «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-2731-сон Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризмни ривожлантиришнинг назарий, услубий ва ташкилий масалалари хорижлик Е.Боо, Х.Цебаллос-Ласкурейн, В.Адриана, А.Алонсо, А.Огле, А.Аминиан, Х.Аяла, В.Брамвелл, Б.Лейн, Р.Батлер, Ж.Кукиер, Е.Маттеус каби олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Жумладан, экотуризмни ривожлантириш юзасидан В.Адриана туризмнинг атроф-муҳитга таъсирини бошқариш, А.Алонсо ва А.Огле туризм ва меҳмонхона хўжалигининг экологик барқарорликка таъсири, В.Брамвелл ва Б.Лейн, Р.Бутлер барқарор туризмни ривожлантириш, Ж.Кукиер ривожланаётган мамлакатларда туризмда бандлик, Е.Маттеус экотуризмнинг ҳозирги ривожланиш амалиёти масалаларини тадқиқ этган³.

Шунингдек, туризм ҳамда экотуризм муаммолари М.Б.Биржаков, А.П.Дурович, Н.И.Кабушкин, В.А.Квартальнов, В.С.Сенин, Т.Т.Христов, А.Д.Чудновский, А.В.Дроздов, В.Е.Борейко, Е.А.Джанджугазова, Н.В.Моралева каби МДХ мамлакатлари олимлари томонидан ўрганилган.⁴

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари К.Х.Абдурахмонов, М.Р.Болтабоев, М.Э.Пўлатов, Н.Т.Тухлиев,

³ Boo, E., Ecotourism: The Potentials and Pitfalls. Volumes 1-2. World Wildlife Fund. Washington, 1990.; Lascrain, H., Integrating Biodiversity into the Tourism Sector: Best Practice Guidelines. 2001.; Adriana B. Environmental supply chain management in tourism: The case of large tour operators. Journal of Cleaner Production, 17, 2009. –P. 1385-1392.; Alonso, A.D., Ogle, A. Tourism and hospitality small and medium enterprises and environmental sustainability. Management Research Review, 33, 2010. –P. 818-826.; Aminian, A. Environmental performance measurement of tourism accommodations in the pilgrimage urban areas: The case of the Holy City of Mashhad. Procedia – Social and Behavioral Sciences, 35, 2012. –P. 514-522.; Ayala, H. Ecoresort: A 'Green' master plan for the international resort industry. International Journal of Hospitality Management, 14, 1995. –P. 351-374.; Bramwell, B., Lane, B. Towards innovation in sustainable tourism research? Journal of Sustainable Tourism, 20(1), 2012. –P. 1-7.; Butler, R.W. Tourism and the environment: A geographical perspective. Tourism Geographies: An International Journal of Tourism Space, Place and Environment, 2, 2000. –P. 337-358.; Cukier, J. Tourism employment issues in developing countries: Examples from Indonesia. In R. Sharpley, D.J.Telfer (Eds.), Tourism and development, concepts and issues. 2002. –P.165-201.; Matthews E.J. Ecotourism: Are current practices delivering desired outcomes? A comparative case study analysis. April 30, 2002. Blacksburg, Virginia.

⁴ Биржаков М. Введение в туризм. СПб: «Герда», 2008. –С. 576.; Дурович А. Организация туризма. –СПб: Питер, 2009. –С. 320.; Кабушкин Н. Менеджмент туризма. Минск: Новое знание, 2002. –С. 407.; Квартальнов В. Туризм: Учебник. – М.: ФиС, 2003. – 320 с.; Сенин В. Организация международного туризма. –М.: ФиС, 2004. –С. 379.; Христов Т. Религиозный туризм: уч.пос.-3-е изд., –М.: «Академия», 2007. –С. 288.; Чудновский А. Управление индустрией туризма России в современных условиях: уч.пос. –М.: КНОРУС, 2007. –С. 416.; Дроздов А.В. Как развивать туризм в национальных парках России. Рекомендации по выявлению, оценке и продвижению на рынок туристских ресурсов и туристского продукта национальных парков. –М.; ЭкоЦентр «Заповедники», 2000.; Борейко В.Е. Дорога к заповеднику (Природоохранная пропаганда и экопросвещение в заповедных объектах). –М.: Экоцентр «Заповедники», 1996.; Джанджугазова Е. Экотуризм: причина популярности и пути развития. «Академические вести», 1996. №57; Moraleva, N., Ledovskikh, E., Sheftel, B. Ecotourism in Russian Nature Reserves: Possibilities, Problems, Perspectives. In: Report of the International Expert Workshop «Case Studies on Sustainable Tourism and Biological Diversity». German Federal Agency for Nature Conservation. 2000.

М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, М.М.Мухаммедов, Д.К.Усманова, А.Н.Норчаев, О.Ҳ.Хамидов, У.Р.Матёкубов, С.С.Рўзиев, Н.Э.Ибодуллаев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритилган.⁵

Республикамизда ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига, экологик вазиятига ва менталитетига эга бўлган бевосита Қорақалпоғистон Республикаси мисолида туризмни, хусусан, экотуризмни ривожлантириш, туристик хизматлар рақобатбардошлиги, ташкилий-иқтисодий омилларидан самарали фойдаланишнинг илмий-амалий масалалари бўйича яхлит илмий изланишларнинг амалга оширилмаганлиги тадқиқотлар йўналишини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти мавзуси Қорақалпоқ давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва истиқболини белгилашга оид илмий-амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

экологик туризм ривожланишининг генезиси, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва объектив зарурлигини асослаш;

Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш;

Қорақалпоғистонда туризмнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

минтақада экологик туризмнинг ресурс салоҳиятини баҳолаш;

Қорақалпоғистонда экологик туризмни ривожлантиришда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг ролини асослаш;

минтақада янги туристик маршрутлар асосида экотуризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

⁵ Абдурахмонов К.Х. Менежмент туризма: Учебное пособие. –Т.: Филиал ФГБОУ ВПО РЭУ им.Г.В.Плеханова в г. Ташкенте, 2013. –С. 248.; Boltaboev M.R., Tuxliev I.S., Safarov B.Sh., Abdurhamidov S.A. Turizm: nazariya va amaliyot. –Т.: «Fan va texnologiya», 2018. –Б. 400.; Пулатов М.Э. Бизнес фаолиятини баҳолаш интеграл мезонини ҳисоблаб чиқишнинг замонавий моделлари. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Т.: 2011. №4. –Б. 23-26.; Тўхлиев Н., Абдуллаева Т. Менежмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. –Т.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006. –С. 386.; Пардаев М., Атабаев Р. Туризм асослари. Самарқанд, СамИСИ. 2006. –Б. 74.; Тўхлиев И., Қудратов Ғ., Пардаев М. Туризмни режалаштириш. Дарслик. –Т.: Иқтисод ва молия. 2008. –Б. 262.; Мухаммедов М., Рахматов Ф. Туризм соҳасида бозор муносабатларининг шаклланиши ва унинг тармоқ самарадорлиги кўрсаткичларига таъсири // Сервис ва туризм: Бошқариш ва ривожлантириш муаммолари. Халқаро анжуман материаллари. Самарқанд, 2007.; Усманова Д. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития. Икт. фан. ...дисс. – Самарқанд, 2009. –Б. 25.; Норчаев А. Халқаро туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири. Икт. фан. номз. ...дисс. 2004. –Б. 120.; Ҳамидов О. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. И.ф.д. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2017.; Матъякубов У. Экологик вазиятни инobatга олиб туризм самарадорлигини ошириш йўналишлари ва истиқболлари (Хоразм вилояти мисолида). Икт. фан. номз. ...дисс. – Самарқанд, 2011.; Рўзиев С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истиқболлари. Икт. фан. ...дисс. –Т.: 2009.; Ибадуллаев Н. Туристтик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). Икт. фан. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2010.

Устюрт платосининг табиий-ландшафт салоҳиятидан экотуристик маршрутларни ишлаб чиқишда самарали фойдаланишнинг асосий йўналишларини асослаш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда экотуризмни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикаси туризм соҳаси ва ундаги барча ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети экотуризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари ва улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида абстракт-мантикий таҳлил, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, SWOT-таҳлил, регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«экологик туризм» тушунчасининг экологик инқироз ҳудудига мос бўлган ижтимоий-иқтисодий моҳияти, табиат ва аҳоли ўртасидаги синергетик алоқалар инобатга олинган таърифи ишлаб чиқилган;

минтақа туман ва шаҳарлари, Қуйи Амударё давлат биосфера резервати, Султон Увайс тоғи, Устюрт платоси, Судочье ва Сайгачий буюртмахоналарида ҳамда Орол денгизининг экотуристик ресурс салоҳиятидан келиб чиқиб, туристик йўналишлар ишлаб чиқилган;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан туристик мақсадда фойдаланиш орқали экотуризмни ривожлантириш модели такомиллаштирилган;

минтақада 2018-2021 йилларга мўлжалланган туристик хизматлар ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризмнинг ҳозирги ҳолатига баҳо берилган ва соҳани ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари, ички захира ва имкониятлари, шарт-шароитларини баҳолаш асосида ишлаб чиқилган SWOT таҳлили орқали минтақада экотуризмни ривожлантириш тенденциялари аниқланган ва янги экотуристик йўналишлар таклиф этилган;

олий таълим муассасалари талабаларининг дала амалиётларини ўташ жараёнида экотуристик маршрутларнинг паспорти ёрдамида экотуризм йўналишида ҳамроҳ-таржимон ёки экскурсовод хизматларини кўрсатиш бўйича кўникма ва малакалари ошишига эришилган;

Қорақалпоғистоннинг бой табиати, маданий мероси ва тарихий-археологик мажмуаларини қамраб олувчи экотуристик объектларнинг рекламасини маҳаллий ва халқаро даражада оммалаштириш, мамлакат минтақаларида ички туристлар оқимини ошириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

экотуризмни ривожлантиришда халқаро илғор тажрибалардан фойдаланиш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда экотуризмни самарали

ташқил қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар орқали, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг статистик маълумотлари ва даврий ҳисоботлардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, минтақаларда экотуризм салоҳиятидан ва ташкилий-иқтисодий омилларидан самарали фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар ҳамда таклифлар Қорақалпоғистон Республикасига хорижий ва миллий туристлар оқимининг, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда туризм ролининг ошишига, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, туризм ва бевосита экотуризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти минтақада экотуризм салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиб, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришиш, туризм ва экотуризмни ривожлантириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари тасарруфидаги тузилмалар фаолиятида бевосита фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегияси»да белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишга муайян даражада хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикасида экотуризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари бўйича олинган илмий хулосалар асосида:

«экологик туризм» тушунчасининг таърифи олий таълим бакалавриат йўналиши талабалари учун мўлжалланган «Туризм: назария ва амалиёт» дарслигининг «Экологик туризмни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари»га бағишланган мавзусига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 89-03-2200-сон маълумотномаси). Натижада, экологик туризмнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини тизимли ва кенгроқ тушуниш орқали уни ташқил этишнинг истиқболли йўналишлари бўйича талабаларда назарий билим ва амалий кўникмаларни ҳосил қилишга эришилган;

минтақа туман ва шаҳарлари, Куйи Амударё давлат биосфера резервати, Султон Увайс тоғи, Устюрт платоси, Судочье ва Сайгачий буюртмахоналарида ҳамда Орол денгизининг экотуристик ресурс салоҳиятидан келиб чиқиб, туристик йўналишларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси амалиётида фойдаланилган (2017 йил 20 декабрдаги 03-09/4479-сон маълумотнома). Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши минтақада янги туристик йўналишлардан самарали фойдаланиш натижасида туристик объектлар атрофида инфратузилманинг ривожланишига, хорижий ва маҳаллий туристлар оқимининг ошишига эришилади;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд (МЭТХ)лардан туристик мақсадда фойдаланиш орқали экотуризмни ривожлантириш моделини такомиллаштириш бўйича тавсиялари Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси амалиётида фойдаланилган (2018 йил 15 январдаги ТХ-01/01-1-56-сон маълумотнома). Ушбу янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикасидаги МЭТХлар билан давлат ташкилотлари, туристик фирмалар, таълим муассасалари, илмий тадқиқот марказлари ва бошқа ташкилотлар билан экотуризмни ривожлантириш мақсадида ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини берган;

минтақада 2018-2021 йилларга мўлжалланган туристик хизматлар ҳажмининг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги иш фаолиятига жорий қилинган (2018 йил 4 июндаги 06/605-сонли маълумотнома). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида минтақада туристик хизматлар ҳажми йилига ўртача 13 %га, жами хизматлар ҳажми эса йилига ўртача 10,5 %га ўсиши кутилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 151 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган

натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Иқтисодийни модернизациялаш шароитида экологик туризмни ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида экологик туризм ривожланишининг генезиси, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва объектив зарурлиги асосланган ҳолда экологик туризм назарияси ва амалиётининг ретроспектив таҳлили амалга оширилган. Экотуризмнинг турлари ва шакллари таснифи, мамлакатимизда экологик туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳукукий жиҳатлари асосланган.

«Экологик туризм» тушунчаси терминологик доирасидаги таҳлиллар асосида «Экотуризм – ижтимоий масъулиятли ва экологик барқарор ривожланишни, табиий ва маданий меросни сақлашни, муҳофаза қилишни таъминловчи туристик фаолият, биохилма-хиллик ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги синергетик муносабатларга асосланган, табиатга саёҳат қилишни кўзда тутувчи, туризмнинг сердаромад инновацион йўналиши» эканлиги эътироф этилган.

Диссертацияда экотуризмнинг ривожланиши бўйича мавжуд илмий-назарий манбалар амалиёти кенг тадқиқ қилинган ҳолда муаллиф томонидан экотуризм тушунчасининг пайдо бўлишига сабаб бўлган тенденциялар асосланган ва экотуризмнинг такомиллашган концепцияси таклиф этилган.

Хорижий ва миллий адабиётлардаги мавжуд тажрибага асосан экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий тамойиллари, хусусан, экологик, ижтимоий-маданий йўналишдаги салбий оқибатларни минималлаштириш, экологик барқарор муҳитни сақлаб туриш, экологик таълим ва тарбия, маҳаллий аҳоли томонидан туристик фаолиятдан даромад олиш ва уларда табиатни муҳофаза қилишга майл уйғотиш, сайёҳлар борадиган минтақалар барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшиш, иқтисодий самарадорлик каби тамойиллар ҳамда уларнинг ўзаро фарқли хусусиятлари ёритилган.

Шунингдек, табиий туризм, (nature tourism, nature-based or nature-oriented tourism), биотуризм (wildlife tourism) ва ёввойи табиатга саёҳат (wilderness travel), саргузашт туризми (adventure tourism), қишлоқ туризми ёки агротуризм (agrotourism), яшил туризм (green tourism), «юмшоқ туризм», барқарор туризм (sustainable tourism), илмий, танишув каби турлари ва шакллари, уларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари асослаб берилган ҳамда экотурларнинг такомиллашган иерархик таснифи ишлаб чиқилган.

Ўз мақсадига кўра, экотурларнинг «ёввойи» ёки «маданийлашган» табиатни экологик билимларни ўқитиш воситасида кузатиш ва ўрганиш, эмоционал ва эстетик мақсадда табиат қўйнида ҳордиқ чиқариш, спорт ва саргузашт мақсадидаги турлар, асосий объектлар, тур мазмуни ва ташкил қилиниши бўйича экотурларнинг ботаник, зоологик ва шунга ўхшаш турлари, экологик-этнографик ёки археологик, экологик-маданий турлар, агротурлар, спелеологик, сув, тоғ турлар ва ҳ.к турлари бир-биридан фарқланади.

Цебаллос Ласкурейнинг тарифига кўра, туризм – бу табиий ресурсларни чегараламаган узоқ муддатга сақлаб туришдир. Барқарор туризм янада кенг маънода туризмнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшувчи табиий ва сунъий ресурсларнинг барча турларидан фойдаланишдир⁶.


Барқарор туризм – туризмнинг барча турлари учун мос келувчи умумий концепция ҳисобланади. Бунда «барқарор» ва «ривожланиш» тушунчаларига урғу берилади. Масалан, «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Швеция Агентлиги»да Барқарор туризмнинг 10 та тамойилига амал қилинади: 1. Табиат ресурсларини тежаб-тергаб, барқарор фойдаланиш; 2. Ортиқча истеъмол ва чиқиндиларни қисқартириш; 3. Табиий, ижтимоий ва маданий хилма-хилликнинг сақланишини таъминлаш; 4. Чуқур режалаштириш, комплекс ёндашув, экотуризмни минтақавий ривожланиш режаларига уйғунлаштириш; 5. Маҳаллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш; 6. Маҳаллий аҳолининг туризмни ривожлантиришда иштироки ва ушбу фаолиятдан олинadиган молиявий ҳамда бошқа маблағларни улар ўртасида тақсимлаш; 7. Манфаатдор шахсларга маслаҳат бериш; 8. Ходимларни ўқитиш; 9. Туризмнинг масъулиятли маркетинги; 10. Экотуризм табиатга йўналтирилади ва барқарор туризм «чорраҳасида» жойлашади.

Тадқиқотда таъкидланишича, жорий кунда экотуризм иқтисодий ва ижтимоий имтиёзлари мавжуд бўлиб, иқтисодий афзалликларга валюта оқимини таъминлаш, ЯИМ ёки ЯХМнинг муайян қисмини ташкил қилиш, иқтисодий ва ижтимоий афзалликларга эга янги иш ўринлари яратилиши, экологик таълим, аҳоли маданият даражаси ошиши, инфратузилма тармоқлари ривожланиши, колок ҳудудлар иқтисодиётининг юксалиши, экологик мусаффо озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, табиатни муҳофаза қилиш билан баробар инфратузилма ҳамда сервисга инвестициялар киритиш, маҳаллий аҳоли турмуш фаровонлигининг ошиши каби жиҳатлар тафовутланади. Шунингдек, экотуризм адоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларда (АМЭХ) экотуристлар оқимининг кўпайиши, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш, ёввойи ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, тупроқ, сув ресурслари, санитар шароитлар, ландшафт эстетик хусусиятлари, маданий муҳитга салбий таъсир каби омиллар келтирилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг экологик, табиий-иқлимий ресурс салоҳияти, шарт-шароитлари ва хусусиятларини инобатга олиб, минтақада экотуризмни ривожлантиришнинг ўзига хос мезонларини жорий этиш, экотуризмни тартибга солувчи махсус ташкилий тузилмани шакллантириш, минтақага хос ёки яқин бўлган шарт-шароитларга эга экотуризми ривожланган давлатларнинг тажрибаларини қўллаш лозим.

Фикримизча, экотуризм бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар ва Ўзбекистон Республикасининг экотуризм концепциясини таҳлил қилган ҳолда, ушбу концепцияни қуйидаги асосий тамойиллар асосида шакллантириш мақсадга мувофиқ (1-расмга қаранг):

⁶ Е.Ю. Ледовских, Н.В. Моралева, А.В. Дроздов. Экологический туризм на пути в Россию: принципы, рекомендации, российский и зарубежный опыт. Тула. «Гриф и К». 2002. –С. 248.



1-расм. Экотуризм концепциясининг такомиллашган варианты⁷

Изоҳ: курсив билан қавс ичидагилар Ўзбекистон Республикасининг экотуризм концепциясидаги вариантлар

Диссертациянинг «Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризмнинг ҳозирги ҳолати таҳлили, минтақаларда экологик туризмни ривожлантириш шарт-шароитлари ва ресурс салоҳиятини баҳолашга услубий ёндашувлар, минтақада экологик туризмни ривожлантиришда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг ролини ошириш масалалари кўриб чиқилган.

Шунингдек, охириги йилларда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда экологик туризмни ташкил этиш керакми ёки йўқми деган концептуал савол

⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

мунозарага сабаб бўлиб келмоқда. Бунда айрим илмий жамият аъзолари ҳамда кўриқхона ходимлари экотуризмни ташкил этиш мақсадга мувофиқ, айримлари эса мувофиқ эмас деб ҳисоблайдилар.

Бизнинг кўриқхоналаримиз хорижий Миллий парклардаги каби оммавий туризмни ривожлантириш техник жиҳатдан ҳали тайёр эмас. Лекин кўриқхоналаримизда мавзули экскурсия, танишув туризмини ривожлантириш, уларнинг кўлами, ўзига хос хусусиятлари, маданияти ва ижтимоий аҳамиятининг ошиши билан биргаликда, кўриқлаш ишларининг рейтингини ошириш ҳамда аҳоли ва бошқарув органлари олдида обрўсининг ҳам кўтарилишига олиб келади. Бугунги кунда кўриқхонага битта чет эллик сайёҳнинг келиши ҳам минтақага фойда келтиради.

Диссертацияда таъкидлангандек, айнан Қорақалпоғистоннинг Қуйи Амударё давлат биосфера резервати (ҚАДБР), Устюрт платоси, Жилтирбас, Рибачье, Судочье табиий сув ҳавзалари, Сариқамиш кўли, Сайгачий давлат буюртмахонаси, Судочье орнитологик давлат буюртмахоналарида экотуризмни ривожлантириш салоҳияти жуда юқори бўлиб, мазкур АМЭХларда экотуризмни ривожлантириш миллий ва минтақавий даражада аксарият минтақаларда асосан туризмнинг анъанавий турларининг кенг ривожланганлиги, Қорақалпоғистонда туризмга иқтисодиётнинг иккинчи ёки таъбир жоиз бўлса, учинчи даражали сектори сифатида қараш, экотуризмни ривожлантириш бўйича қонунчиликнинг, айниқса, солиқ сиёсати, виза тизими, ердан фойдаланиш қоидаларининг номукаммаллиги, ҳалигача жаҳон андозаларига жавоб берадиган кўриқхоналар негизида экотуризмни ривожлантиришнинг конкрет ривожлантириш режаси ва стратегияси мавжуд эмаслиги каби муаммолар сабаб оқсаётган бўлса, маҳаллий даражада, кўпгина, МЭТХларда экологик туризмнинг оқибатларини рекреацион босимни аниқлаш механизмлари йўлга қўйилмаганлиги, яшаш шароити, транспорт воситалари, ташкиллаштирилган туристик маршрутлар, экосўқмоқлар жиҳозлари, кузатув жойлари ва бошқа воситалар билан жиҳозланган инфратузилманинг йўқлиги ёки қулаймаслиги. Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Туризмни ривожлантириш учун, аввало, зарур инфратузилмани такомиллаштириш шарт. Биринчиси - транспорт, иккинчиси - логистика»⁸.

Инфратузилма сифатини ва маиший шароитларни яхшилаш МЭТХларга ва маҳаллий аҳолига экотуристларни етарлича кўпроқ жалб қилишга, таклиф қилинадиган пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва туризмдан келадиган даромадларни оширишга имкон беради.

Фикримизча, минтақа ҳудудларида экотуризмни ривожлантириш учун қуйида тавсия этилаётган йўналишлар мақсадга мувофиқ (1-жадвалга қаранг).

Юқоридаги тавсия қилинган йўналишларда туризмнинг турларини йўлга қўйиш янги иш ўринларининг очилишига, турфирмаларнинг сони ва туристлар оқимнинг ошишига олиб келади деб ўйлаймиз.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Ш.М. Туризмни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш материаллари // Халқ сўзи, 2017 йил 4 октябрь. –Б. 1.

**Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида тавсия қилинаётган
экотуризмни ривожлантириш йўналишлари⁹**

Ҳудудлар	Ривожлантириш тавсия қилинаётган туризм турлари	Ҳудуддаги туристик объектлар
Кўнғирот тумани	Экотуризм, от туризми, туя туризм, велотуризм, спорт туризми, орнито-логик туризм	Устюрт платоси (чинклар), ҳудудда жойлашган тарихий қалъалар, Нукус-Кўнғирот автомобил йўли, кишлоқлар
Мўйноқ тумани	Экотуризм, этнотуризм, экстремал туризм, пляж туризми	Мўноқ тумани, Кўксув, Шегекўл, Судочье кўллари, Ақтумсиқ тепалиги, кишлоқлар
Қонликўл тумани	Этнотуризм, ов туризми, экотуризм	Амударё соҳиллари, туман ҳудудидаги кўллар
Шуманай тумани	Экотуризм, тарихий-маданий туризм	Устюрт платоси, ҳудуддаги тарихий қалъалар
Нукус шаҳри	Ишбилармонлик туризми, экотуризм, спорт туризми, гастрономик туризм	Музейлар, Дўстлик канали соҳили, ресторан ва меҳмонхоналар
Хўжайли тумани	Зиёрат ва гастрономик туризм, этно ва тарихий туризм	Миздахкан мажмуаси, ресторанлар, кишлоқлар
Тахтақўпир тумани	Сув, соғломлаштирувчи туризм, экотуризм, ов туризми	Қаратеренг кўли, Белтау (Боршитау), Айдосқалъа, Қизилқум
Беруний тумани	Зиёрат туризми, спелеотуризм, тарихий, агротуризм, табиий ва илмий туризм, орнитологик туризм	Тарихий қалъалар, ҚАДБР, Султон Увайс тоғи ва мажмуаси, Амударё соҳиллари, кишлоқлар
Элликқалъа тумани	Экотуризм, ов туризми, тарихий туризм, пляж туризми	Ҳудудда жойлашган тарихий қалъалар, Қизилқум, Ақчақўл, кишлоқлар
Тўрткўл тумани	Ов туризми, экотуризм, тарихий туризм, агротуризм	Ҳудудда жойлашган тарихий қалъалар, Қизилқум, кишлоқлар
Амударё тумани	Экотуризм, ов туризми, тарихий туризм, спелеотуризм	Султан Увайс тоғи, ҳудудда жойлашган тарихий қалъалар, Шилпик қўрғони, Шайх Жалил мажмуаси, Амударё соҳиллари, кишлоқлар
Чимбой тумани	Экотуризм, ов туризми, маданий туризм, соғломлаштирувчи туризм	Қозоқдарё тўқай ва овчилик хўжалиги, Қусханатау, иссиқ сувлар, кишлоқлар
Кегайли тумани	Эко, ов, тарихий-маданий туризм, от ва туядаги турлар	Ақтуба кўли, Ишанқалъа, кишлоқлар
Қораузак тумани	Зиёрат туризм, спелеотуризм, агротуризм, илмий туризм	Султанувайс тоғи, кишлоқлар
Нукус тумани	Экотуризм, тарихий-маданий туризм, пляж туризми	Амударё соҳиллари, Дауткўл, Кўктау, Кердер археологик мажмуаси,
Тахиатош тумани	Агротуризм, орнитологик туризм	Амударё соҳиллари, кишлоқлар

Муаллиф таҳлилларига кўра, Қорақалпоғистонда нафақат экотуризм, балки туризмнинг паст даражада ривожланиши сабаблари сифатида

⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

МЭТХларда турлар ва экологик-танишув тўлақонли дастурларининг, ўсимликлар ва ҳайвонлар, уларнинг йўқолаётган ноёб турлари тўғрисида батафсил ихтисослашган ахборотнинг йўқлиги. Экотуризмнинг, айниқса, халқаро экотуризмнинг муваффақияти ташриф буюрувчилар томонидан ҳудудга келишидан аввал ахборот олиш имкониятларига ҳам кўпроқ боғлиқ.

Хорижий давлатлар ва республикаimizдаги туризм бўйича етакчи минтақалар тажрибасига кўра, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бугунги ижтимоий-иқтисодий шароитларда туризмнинг истиқболли ва ресурс салоҳияти юқори бўлган экотуризм шаклини нисбатан самарали ташкил қилиш ва ривожлантириш, унинг салбий таъсирларини юмшатиш, атроф-муҳитни асраш ва минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш афзалликларини ошириш, экотуризмни пухта режалаштириш, бошқариш ва экотуристик фаолият мониторингини олиб бориш зарур.

Диссертациянинг **«Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва истиқболлари»** деб номланган учинчи бобида минтақада янги туристик маршрут - Қуйи Амударё давлат биосфера резерватида экотуризмни ривожлантириш йўллари, Устюрт платосининг табиий-ландшафт салоҳиятидан экотуристик маршрутларни ишлаб чиқишда самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари, минтақада илмий ва ёшлар туризмини ривожлантириш ҳамда МЭТХларда экотуризмни ривожлантириш модели асослаб берилган.

Қорақалпоғистонда экологик туризмни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан ва ўчоқларидан бири Қуйи Амударё давлат биосфера резервати (ҚАДБР) бўлиб, у ерда 43 турдаги балиқлар, 2 турдаги амфибиялар, 29 турдаги судралиб юрувчилар, 246 турдаги қушлар ва 36 турдаги сут эмизувчилар, Жампиқ қалъа, Гаур қалъа, Чилпиқ қўрғони, Шайх Жалил бобо каби тарихий ёдгорликлар билан бирга, Султон Увайс тоғи, Амударё соҳилида кўпгина табиий экотуристик объектлар ҳам мавжуд¹⁰.

ҚАДБР ҳудудида катер ва кичик кема, баржаларда хорижий ва маҳаллий туристларнинг Амударё бўйлаб сувда саёҳатини амалга ошириш, тўранғили тўқайларни кузатиш уларнинг палубалари, катерларда туристларга қовурилган, димланган, дудланган, кабоб қилинган балиқ, қўй, қорамол, товуқ гўштларидан кабоб, мавсум пайтларида ёввойи, овлаш тақиқланмаган қушларнинг парҳез гўштларидан турли хил миллий таомлар, қорма (шавланинг суюқ қилиб қўй, парранда, қорамол ёки ов гўшти жуда кўп солинган тури), Хоразмчасига тонқачой, дарёнинг шифобахш лаққасидан тайёрланган таомлар, нонушта, тушлик ёки кечки овқат, созандалар, халфалар, раққосалар хизматлари, катерда ўтирган ҳолда балиқ овлаш, қушларни овлаш ёки ош каби овқатларни миллий ва хорижий туристларга таклиф қилиш мумкин.

Муаллиф фикрича, мазкур ҳудудда 2 та самарали экотуристик йўналишларни ташкил қилиш мақсага мувофиқ. Жумладан:

¹⁰ Хожаниязов Г., Ҳақимиязов Ж. Қарақалпақстанның эжайып жети естелиги. – Н.: «Қарақалпақстан», 2004.

1-экотуристик йўналиш. Қипчоқ аҳоли пунктидаги пантон кўпригидан Жумиртау кўпригигача бўлган тўғри чизиқли экотуристик йўналиш;

2-экотуристик йўналиш. Қипчоқ аҳоли пунктидаги пантон кўпригидан оқим бўйлаб ҚАДБР ҳудудигача тўғри чизиқли экотуристик йўналиш.

Диссертацияда маҳаллий ва хорижий туристлар учун юқоридаги жараёнларни Амударё соҳилларида жойлашган маҳаллий ошхоналарда ташкил қилиш, балиқ овлашга қизиқадиган туристлар учун қармоқларни, сув велосипедлари, скуттерларни, моторли ва кичкина механик қайиқчаларни, саёҳат буюмларини (турли тўшамчалар, рюкзак, кўзойнак, сув кийимлари, қутқарув нимча ва балончалари) ижарага бериш ва сотиш шохобчаларини ташкил этиш, Қипчоқда аҳоли турмуш тарзини, маҳаллий усулда қурилган лой-пахса уйларни кузатиш имконияти мавжудлиги таъкидланади.

Юқоридаги ҚАДБР ҳудудидаги туристик объектлар вақт ўтиши билан Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос табиати, иқлими, ҳайвонот дунёсига эга бўлган экотуристик имкониятлари Қуйи Амударё минтақасида жойлашган Қорақалпоғистон Республикасининг туристик брендига айланиши мумкин.

Хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотларини ўрганиш натижасида, бугунги кунда «...дунёнинг қатор мамлакатларида экотуризм иқтисодийётнинг етакчи тармоғи даражасига кўтарилди. Шунга мувофиқ, уни бошқариш ҳам янги шаклларда амалга оширилмоқда. МЭТХлар, улар таркибидаги миллий боғлар экотуризмни ривожлантиришнинг асосий объектига айланди. МЭТХлар умумий майдонининг 10-12 фоизи рекреация мақсадларида фойдаланиладиган ҳудудлар шаклида фаолият юритмоқда»¹¹.

Шунингдек, экотуризмнинг бузилмаган табиатда амалга оширилувчи 2 та модели фарқланади:¹² АҚШ ва Канадада шаклланган, Австралияда тўлиқ жорий қилинган Австралия модели ва маданий ландшафтда амалга оширилувчи Ғарбий Европа модели.

Юқорида келтирилган моделлар, қонунчиликда белгиланган вазифалар ва ҳозирги кунда олиб борилаётган тадқиқотларни таҳлил қилган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикасидаги МЭТХларда экотуризмни ривожлантириш модели таклиф қилинди (2-расмга қаранг).

Минтақадаги МЭТХларда ҳам экотуризмни ривожлантириш учун уларнинг туристик ва рекреация мақсадларида фойдаланиладиган ер майдонларини босқичма-босқич кенгайтириб бориш зарур.

МЭТХларда экотуризмни ривожлантириш модели орқали улардан туристик мақсадда фойдаланишни йўлга қўйиш, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг экологик маданияти ва билимларини ошириш, экологик барқарорликни таъминлашга эришамиз.

¹¹ Ҳамидов О. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. Иқт. фан. д-ри (DSc) ...дисс. автореф. - Самарқанд, 2017.

¹² Хаитбоев Р. Экологик туризмнинг халқаро моделлари // «Туризм хизматлар бозорини ривожлантириш истиқболлари» Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Самарқанд, 2014, 28-29 май.




2-расм. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда экотуризмни ривожлантириш модели¹³

Минтақада экотуризмни ривожлантиришда бир неча тармоқлар ва ҳудудлараро масалаларни ҳал қилиш зарур бўлганлиги учун асосий вазифа ва мақсадлари қуйидаги 3-расмда келтирилган Қорақалпоғистон Республикаси Экотуризм Ассоциациясини (ҚРЭА) ташкил қилишни тавсия этамиз.

ҚРЭАнинг мақсади - минтақада табиий ва тарихий-маданий меросини сақлаш иши бўйича аъзоларни бирлаштириш ва тадбирларни мувофиқлаштириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг самарали шакли сифатида экологик туризмни ривожлантиришдан иборат бўлади.

Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан туризм соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳудудларда соҳанинг барқарор ривожланиши таъминланмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кейинги йилларда соҳанинг барқарор ва юқори суръатларда ўсиши таъминланган.

¹³ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида шакллантирилган.



**3-расм. Қорақалпоғистон Республикаси Экологик туризм
Ассоциациясининг мақсад ва вазифалари¹⁴**

¹⁴ Муаллиф ишланмалари асосида шакллантирилган.

Буни инобатга олган ҳолда 2006-2017 йиллар маълумотлари асосида ҳудудда хизматлар соҳаси ривожланишининг соҳа ривожига таъсирини баҳолаб ўтамиз. Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, соҳа ривожланиши хизматлар соҳасининг ривожланиши билан юқори боғлиқликка эга.

2-жадвал

Коэффициентлар	t-статистика	p-қиймат	F-test	R ²
b ₀	-25,1	0,000	F _{қиймат} =607,9 F _{критик} =248	0,98
b ₁	24,7	0,000		

$$\text{Log}(Y) = -5.8 + 1.85\text{Log}(X) \quad (1)$$

